

Таълим тизимида жисмоний маданият фанининг урни ва
вазифалари .

Ахмедов Фукат Кулдошевич п.ф.н доцент ЖДПИ

Кулбоев Нодир Салоҳиддинович катта

уқитувчи ЖДПИ

Кулдошев Сирож Фуркат угли

ЖДПИнинг 2- боскич магистранти

Аннотация: маколада жисмоний маданият фаниниг таълим тизимидағи урни ва ахамияти, уни уқитиш оркали шахсни нафакат жисмоний жихатдан балким хар томонлама баркамол этиб тарбиялашга йуналтирилган функциялари ёритиб беришга каратилган.

Калитли сузлар: жисмоний маданият, таълим тизими, таълим тури, фан, уқитиш, жамият, шахс, баркамол инсон, тарбия, умуминсоний гоялар.

Тарихан хамма даврларда хам жамиятда таълим –тарбия масаласи энг долзарб масала булган ва бугунги кунда хам бу масала бош масалалардан бири хисобланади. Чунки жамият аъзоларининг таълим –тарбия қурганлиги жамиятнинг уз давридаги бутун бир мовжудлигини яни унинг таракиётини, турмуш фаровонлигини, маърифати ва маънавиятини, иктисадий баркарорлигини, жамият аъзоларининг уз аро хамкорлигини, дунёда тинчликни саклашни, инсон омилига бөглиқ булмаган турли муоммоларни биргаликда ечимини топишни хал этувчи кучи булиб хисобланади. Шундай бекиёс тизимнинг таркибий кисми булган жисмоний маданият жамият аъзоларининг хар томонлама баркамоллигини ва фаоллигини таъминлашда узига хос хизмат килади. Буни инобатга олган холда мамлакатимизда жисмоний маданиятга алохида эътибор каратилмоқда. Таълим тизимида

жисмоний маданият укув фани сифатида укитилади ва бу фаннинг узига хос максад вазифалари бор. Жисмоний маданият фанининг максади этиб шахсни жисмоний камолотга эриштириш, хар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларни хукууйй демократик давлатнинг фаол иштирокчиларига,ижодий меҳнат килишга ва Ватан мудоофасига тайёрлашдан иборат деб белгиланган. Бу максадга эришиш учун албатта жисмоний маданият фанини тармокларга булиб урганиш, илмий тадқик этиш натижасидаги олинган маълумотларни амалиётга жорий этиш ва укувчиларга укитиш оркали эришилади. Шу оркали жамият аъзоларининг жисмоний маданиятга доир билим куникма ва малакалари ривожланиб боради.

2020-йилганинг

24-

январида

Узбекистон Республикаси президентининг “Узбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш тугрисида” ги (1,) фармони кабул килинди. Ушбу фармонинг асосий максади этиб мамлакатда юксак маданиятга эга булган хар томонлама етук хамда жисмонан соглом инсонни шакиллантириш максадида ахолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги малака ва билимларини орттиришга каратилган устувор йуналтшларини белгилаш, иктидорли спортчиларни танлаб олиш жараёнига инновацион шакиллар ва усулларни жорий этиш белгиланган. Фармонга кура таълим тизимининг барча бугунларида спорт иншоатларини купайтириш, укувчи ва талабалар орасида муентазам равишда турли спорт мусобокаларини ташкил этиш ва утказишни такомиллаштириш оркали жисмоний маданиятни оммалаштириш масаласи куйилган. Бу уз узидан таълим тизими жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг хукукий асосларини ва имкониятларини ошганлигидан шунингдек соҳа мутасаддиларига нисбатан талабларнингошганлигидан далолат беради. Ушбу уфармон мазмунидан куриниб турубдики мамлакатимизда барча соҳалардаги каби жисмоний маданиятда хам демократик ёндошув ва умуминсоний кадриятларга асосланган гоялар илгари сурилган,

Жисмоний маданият тарихига назар солинса байзи даврларда ундан умуминсоний кадриятларга хос булмаган максадлар йулида хам фойдаланганлар. Масалан кулдорлик даврида кулларнинг устидан хукумронликни кучайтириш ва уз хукумронлигини саклаб колиш максадида кулдорларгина маҳсус жисмоний машклар билан мукаммал шугулланганлар. Шунингдек байзи даврларда агрессив хусусиятга эга давлатлар, ёки айrim жамиятлар бошкалар устидан хукумрон булиш, боскинчилик килиш максадида харбийлаштирилган жисмоний тарбия тизимини жорий этганлар. Аслида жисмоний маданиятнинг жамиятдаги максади факт инсонпарварликка каратилганлигини, тарихий илмий асарларда шунингдек диний манбаларда, (3,4,5,6) хусусан хадисларда хам уз исботини топган.

Мутахасислар (Л.П.Матвеев, А.Д. Новиков, Б.А.Ашмарин, А.С.Холодов, Рафиев Х.Т, А.Абдуллаев, Р.Абдумаликов, в.б) томонидан берилган таърифлар, соҳага оид мавжуд лугатлар ва энциклопедиялардаги маълумотларга таяниб, жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий кисми хисобланиб у жисмоний тарбия, спорт, спорт фаолияти, спорт мусобокалари, жисмоний тарбия ва спорт таълими унинг воситалари, методлари, спорт иншоотлари, спорт жихозлари, жисмоний тарбия ва спорт тизими каби соҳага оид барча тушунчалар ва фаолият турларини камраб олади деган хуносага келиш мумкин. Шунинг учун хам биз мазкур масала юзасидан олиб борадиган фикр мулоҳазаларимизни жисмоний маданият атамаси оркали ёритишни лозим топдик. Хозирги жамиятда ахоли жисмоний маданияти тизимининг асосий бугуни бу таълим тизими жисмоний маданияти хисобланади. Вахоланки деярлик бутун дунёда болалар ва ёшлар амалдаги таълим тизимида укийди тарбияланади белгиланган боскичларни босиб утади ва вояга етади. Бизнинг мамлакатимизда хам замонавий талаблар асосидаги таълим турлари йулга куйилган ва болалар ва ёшларни тулик камраб олган. Таълимнинг турлари куйидагилардан иборат(Янги таҳрирдаги Узбекистон республикасининг таълим тугрисидаги конунига кура 2020. 23. 09) мактабгача таълим ва тарбия, умумий урта ва урта маҳсус

таьлим , профессионал таьлим ,олий таьлим, олий таьлимдан кейинги таьлим, кадрларни кайта таёrlаш ва малакасини ошириш, мактабдан ташкари таьлим. Хар бир таьлим тури боскичи жисмоний маданияти узига хос максад ва вазифаларни амалга оширади.

Жисмоний тарбиянинг максади одамни болалик давридан бошлаб ,жисмоний комолотини шакиллантириш,саломатлигини мустахкамлаш , ва ишчанлик кобилиятини оширишдан иборат

Жисмоний маданиятнинг максади жамиятда сохага оид барча йуналишларни жамият тараккиёти билан биргаликда, яъни бу дегани нафакат шахс тарбиясини, балким йукорида келтирилган сохага оид барча йуналишларни биргаликда ривожлантириб боришдан иборат.

Таьлим тизимида жисмоний маданиятнинг максад вазифаларини урганишда баязи мамлакатларниниг тизимнинг дастлабки боскетчи булган мактабгача ва бошлангич синфлар жисмоний тарбиясиси тажрибалари урганилди, жумладан:

Рссия федерациясида мактабгача ва бошлангич синфлар жисмоний маданияти куйидаги максад вазифаларни амалга оширади :

-мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний маданиятига каратиладиган асосий жихатлар қуйидагилардан иборат :

- болаларни жисмоний машкларга ва соглом турмуш тарзига ижобий ва фаол ёндошувини шакиллантириш;

- жисмоний маданиятга онгли равища кизикиши ва соглом турмуш тарзига ижобий ёндошувини шакиллантириш;

- дастлабки харакат куникмаларини ,харакатлар координациясини,кадду коматни тугри тутишни, турли спорт уйинлари ва мусобокаларида иштирок этишга интилиш, уларни ташкилотчиси булиш ва белгиланган тартиб коидаларга амал килиш одатларини шакиллантириш.

-жисмоний машклар ва турли уйинлар жараёнида хавфсизлик коидаларига амал килишга доир дастлабки тушунчаларни шакиллантириш.

Хитой халк республикасида жисмоний тарбия тизимида мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашда куйидагиларга асосий эътибор каратилган:

- ёш хусусиятига кура жисмоний ривожланишнинг асосий боскичи булган кейинги даврга тайёрлаш;
- боланинг ижтимоий сифатларини шакиллантириш (катьяятлилик, тугрисузлик, жавобгарлик хисси, хакикатгуйлик, узаро хамкорлик килиш в.б)
- жисмоний машклар билан шугулланишга кизикишини ва фаол турмуш тарзини кечиришни шакиллантириш;
- зарурий харакат малакаларини ривожлантириш ва хавфсизлик коидаларига риоя килиш буйича дастлабки тушунчаларни бериш.

Японияда---жисмоний тарбия тизимида кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси куйидаги вазифаларни бажаришини зарур деб хисоблади;

- зарурий харакатларни ривожлантириш ;
- аклий ривожлантириш;
- атроф мухитга ва одамларга тугри муносабатни шакиллантириш;
- амалдаги жамоа тартиб коидаларига катый амал килишга ургатиш ;

Финландияда мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясининг асосий вазифаси:

- болаларни асосий ва зарурий харакат малака , куникмаларига мослаштириш, такомиллаштириш
 - болаларни жисмоний машкларга булган кизикишларини ошириш,
 - болаларда жисмоний тарбия ва спортга онгли ёндошувини шакиллантиришдан иборат.

Мамлакатимизда хам мактабгача ва бошлангич таълим ёшидаги болаларнинг жисмоний маданиятининг узига хос максад вазифалари мавжуд, , аммо бу тизимни янада такомиллаштиришга каратилган замонавий аник максад вазифаларини белгилаб олиш зарурати мавжуд. Чунки мамлакатимизда таълим тизими тубдан ислоҳ этилиши натижасида мактабгача ёшдаги

болалар таълим тарбиясига куйилаётган талаблар хам янгича булишини такозо этмоқда. Албатта такомиллаштирилган замонавий жисмоний маданиятни жорий этишда шу давргача орттирилган тажрибалар асосида шакиллантирилиши ва ривожлантирилиши зарур .

Таълим тизими жисмоний маданиятининг кейинги боскичларида хам узига хос максад вазифалари белгилаб берилган булиб, жисмоний тарбия узлуксиз равишда амалга оширилади. (тизимнинг кейинги боскичларининг максад вазифалари муоммолари юзасидан алоҳида маълумотлар берилади)

Мавжуд таълим тизими давомида жамиятда хар томонламиа баркамол шахсни тарбиялаш максад килиб олинган. Шундай экан жисмоний маданиятни ушбу тизимнинг ажralmas таркибий кисми сифатида караш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур. Таълим тизимининг барча бугунлари жисмоний маданиятига алоҳида бир фан сифатида караш ва унинг узвийлигини таъминлаш оркали таълим –тарбияда кузланган максадга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1 Узбекистон Республикаси президентининг “ Узбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортнитни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора тадбирлари тугрисида” ги фармони. 2020- й. 24- январ.
- 2 Гуриев С .В Теория ми методика физического воспитания с практикумом (детей дошкольного и младшего школьного возроста) учебник. Кнорус. Москва 2020 г 211 стр
- 3 Абдуллаев А. Хонкелдиев Ш.Х жисмоний маданият назарияси ва методикаси. Дарслик Т.: 2005 й. 245 бет
- 4 Абдумаликов Р. Соглом авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спорт . укув –услубий кулланма Т.: 2003 й 90 бет
- 5 Ахмедов Ф. К. Жисмоний таълимда миллий анъаналарнинг урни. Монография 2010 й Т.: 105 бет
- 6 Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. Учебник. Москва.физкультура и спорт 1991 г. 345 стр

